

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

477 **Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1393-1*

(2010 йил 23 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ–1271-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004 йил 23 июлдаги 216-сон буйруғи (рўйхат рақами 1393, 2004 йил 30 июль) (Ўзбе-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 30-сон, 350-модда) билан тасдиқланган «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

Тошкент ш.,
2010 йил 1 декабрь,
410-сон

Х. МУҲИТДИНОВ